



# ИНСОН ва ҚОНУН

24 ноябрь 2020 йил / № 46 (1250)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ



5-БЕТ



МАКТАБ ҲАМШИРАЛАРИ  
НЕГА ИШСИЗ ҚОЛДИ? 4-БЕТ

БЕШ ЮЗ МИНГ СЎМГА  
“СОТИБ ОЛИНГАН” ЖАЗО... 5-БЕТ

ИССИҚХОНА ҚУРИШ УЧУН  
СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИМИ? 6-БЕТ



## ОНЛАЙН МУЛОҚОТ



**Илк бора Адлия вазири  
Русланбек ДАВЛЕТОВ  
онлайн мулоқот ўтказади!**

Онлайн мулоқот Facebookдаги  
“Халқ билан мулоқот/  
Диалог с народом”  
гурухида бўлиб ўтади ҳамда  
вазирликнинг Youtubeдаги  
[youtube.com/c/adliya](https://www.youtube.com/c/adliya) саҳифасида  
тўғридан-тўғри узатилади.

**Мулоқот  
2020 йил 25 ноябрь  
куни соат 11:00 да  
бошланади.**

### АГАРДА СИЗДА:

- Адлия вазирлиги фаолияти билан боғлиқ муурожаатлар ва ечилмаган муаммолар;
- вазирлик тизимида фаолият юри-тадиган тузилмалар ва муассасалар фаолияти ёки уларнинг ходимлари хатти-ҳаракати устидан шикоятлар;
- Ўзбекистон қонунчилигидаги камчиликлар, амалиётда юзага келаётган қарама-қаршиликлар ва умуман, бу борада ишларни жадаллаштириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар мавжуд бўлса, албатта, ушбу мулоқотда иштирок этинг.

Саволларни олдиндан Facebook ижтимоий тармоғидаги Adliya maslahatchisi/Консультант (<https://www.facebook.com/adliyamaslahatchisi>) саҳифасига ёки телеграмдаги @adliyaga\_savolbot-га юбориш мумкинлигини маълум қиламиз.

## Газета саҳифаланаётганда...

### Адлия вазирига саволлар ва таклифлар

Ҳеч тушуна олмайман, коррупция, коррупция дейилапти. Лекин коррупциянинг илдизини қуритиш учун яна нима қилиш керак? Бу нарса қачон тугайди?  
**Хосият Ҳасанова, Навоий шаҳри**

ФХДЁ соҳаси бундан бир неча йиллар аввал адлия тизимида эди. Кейинчалик бу соҳа ҳоқимликка ўтди, энди бўлса Давлат хизматлари агентлигига ўтди. Адлия вазирлигининг ўзида турса бўлмасми? Масалан, Туркия давлатида ФХДЁ ишлари адлияга қарашли ҳисобланади.  
**Зарина Азизова, Тошкент шаҳри**

**Таклиф**  
Президентимиз “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”да қишлоқларда кутубхоналар йўқолиб кетаётгани масаласига тўхталиб ўтди. Мен таклиф сифатида шуни айтмоқчиман, Адлия вазирлиги кутубхоналар фаолиятига оид мустаҳкам ҳуқуқий асос яратса, кутубхоналар фаолиятини ўз назоратига олса яхши бўлар эди. Чунки биз бу вазирликни ҳозирги кунда энг фаол ва ҳуқуқий тарғибот ҳамда маърифатни юксалтиришда жонбозлик кўрсатаётган вазирлик сифатида биламиз. Кутубхоналарни “сақлаб қолиш” борасида Адлия ташаббусини кўришни истардик. Яна тағинам билмадим.  
**Нилуфар Ҳамроева, Сурхондарё вилояти**

Яхши биламизки, ТДЮУда ҳуқуқшунослар таълим олади. Лекин кўп ҳолларда нотариат ва ФХДЁ органларидан одамларнинг норозилигини эътиборга олиб, университетда нотариат ва ФХДЁ ходимларини тайёрлашга ихтисослашган алоҳида факультет ташкил қилган маъқул эмасми? Сиз ўз фаолиятингизни адлия тизимида бошлаганингиздан оқ нотариусларни инсофли, диёнатли бўлишга чорлаб келяпсиз. Назаримда, алоҳида факультет ташкил қилинса жамиятнинг юзи ҳисобланган шу соҳаларда юксалиш бўлар эди. Шунингдек, бу соҳа ходимлари ҳар куни одамлар билан ишлайди, улар ҳам дипломат, ҳам психолог, ҳам суҳандон, ҳам педагог бўлишлари керак. Шуни инобатга олиб уларга бошқа олий-гоҳларнинг кучли мутахассисларидан ҳам алоҳида маъруза дарслари ўтилишини таъминлаш керакмасмикин?

“Инсон ва қонун” газетаси таҳририяти



**Жуманазар ХОЛМУМИНОВ,**  
Термиз давлат университети Юридик  
факультети декани, юридик фанлар  
доктори, профессор

# Сайёрамиз — умумий уйимиз: Конституциядаги энг муҳим экологик нормалар

КОНСТИТУЦИЯМИЗДА мамлакатимиз экологик сиёсати стратегиясининг асосий қоидалари, экологик хавфсизликка доир талаблар белгиланган бўлиб, ушбу сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича асосий қоидаларни белгилаб берган.

Хукуматга sanoat ривожининг экологияга таъсирини олдини олиш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва нуфузли халқаро экспертларни жалб этган ҳолда жорий йилнинг 1 октябрга қадар Экология кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилиб, мамлакатимизда илк мартаба экология соҳасида қонунчилик такомиллаштирилмоқда.

Ушбу масалада айрим хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, Австрия, Албания, Болгария, Венгрия, Литва, Польша, Словакия, Словения, Хорватия,

Чехия ва Эстония каби давлатларнинг бу соҳадаги қонунчилигида фуқаролар ва давлатнинг экология соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ-равшан белгилаб берилган. Хусусан, Греция Конституцияси (1975 й.) 24-моддасида: “Табиий ва маданий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлатнинг мажбурияти ҳисобланади”, деб белгиланган.

Австрияда “Атроф-муҳитни ҳар томонлама муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Федерал Конституциявий қонун (1920 й.) амал қилади.

Германия Конституцияси 20а-моддасида ҳам давлат атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиши, бугунги авлод келажак авлод олдида масъул эканлиги алоҳида кўрсатилган.

Италияда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича вазифа давлат зиммасига юкланган. Шунингдек, Италия Конституцияси 9-моддасида (1947 й.) таъкидланишича: “Республика мамлакат табиати муҳофаза қилади”.

Ҳиндистонда давлат атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш

ва уни яхшилашга ҳаракат қилишга мажбур ҳамда бу ҳар бир Ҳиндистон фуқаросидан талаб қилинади.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг махсус экологик нормалари тизими куйидагича: маънавий ва маданий меросни авайлаб-асраш (49-модда); фуқароларнинг экологик бурчи (50-модда); мулкдан фойдаланишнинг экологик талаблари (54-модда); давлат экологик сиёсатини амалга ошириш принципларини белгилаб берувчи нормалар (55-модда); маҳаллий ҳокимият органларининг экология соҳасидаги ваколатлари (100-модда) ва ҳоказолар белгиланган.

Кўришиб турибдики, турли мамлакатларнинг конституциявий-экологик нормаларининг қисқача таҳлили Конституцияда давлат экологик сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда янада аниқлаштириш ҳамда қонунни қўллаш маданияти экологик барқарор ривожланишга имкон беришини яна бир қарра тасдиқлайди.

Конституцияда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бир қатор талаблар ўз ифодасини топган. Жумладан:

1. 34-моддага кўра: “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар”.

Ўзбекистон экологик ҳаракати фаолиятида тўпланган тажрибалар асосида янги сиёсий экологик партияни ташкил этиш зарурати вужудга келиб, 2019 йил 8 январь куни мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа содир бўлди. Шу куни мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта экологик барқарорликни таъминлаш йўлида янги сиёсий куч — Ўзбекистон Экологик партияси таъсис этилди.

Ўзбекистон экологик партияси мамлакатимиз фуқароларининг бугунги ва келажакда қулай экологик шароитда яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, барқарор ривожланиш мақсадларида иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқаролар саломатлигига йўналтирилган тизимли ўзгаришлар учун жамиятнинг барча кучларини бирлаштиришга даъват қилади.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, экология соҳасидаги сиёсий партиялар кўпчилик давлат ва жамиятлар ҳаётида муҳим ўрин тутишининг гувоҳи

бўламиз. Айни пайтда дунёнинг 100 га яқин мамлакатда экологик партиялар фаолият олиб боради. Шундан 50 дан ортиқ сиёсий партиялар эса мамлакатнинг парламентида, қонунчилик органларида ўз ваколатли вакилларига эга.

Бугунги кунда Экопартия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда ўзининг Устави ва Дастурига мувофиқ равишда олиб бормоқда.

2. 49-моддага кўра: “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар”.

Ўзбекистон археологик ёдгорликлари сони жиҳатидан дунёда 15 мамлакат ичида олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Бугунги кунда юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилган.

Хукумат томонидан уч ой муддатда зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган маршрутлардаги объектлар сонини 800 тага етказиш бўйича чора-тадбирлар белгиланмоқда.

3. Конституциянинг 50-моддасида: “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, деб кўрсатилган. Бу эса ўз вақтида фуқаролар томонидан ер, сув, ўрмон, ерости бойликлари,

ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ва бошқа табиий захиралардан оқилона фойдаланишни, уларни тиклаш ва муҳофаза қилишни ҳамда ушбу мажбуриятни ўз вақтида бажаришни ҳам талаб этади.

Ушбу ҳолат барча экологик ва аграр қонунларда ҳам аниқ ўз ифодасини топган. Демак, барча фуқаролар экология ва атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга эътибор беришлари лозим бўлади.

4. 54-моддада: “Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт”, деб кўрсатилган.

Конституция талабларига кўра, мулкдор мулкдан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш чоғида фуқароларнинг, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини, айниқса, уларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини (айниқса, экологик манфаатларини) бузмаслиги, ҳурмат қилиши ҳамда уни таъминлашга эътибор бериши ўта зарур ҳисобланади.

5. 55-моддага кўра: “Ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар дав-

лат муҳофазасидадир”.

Бу ўз вақтида барча табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш билан биргаликда мамлакатимизда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик, айниқса, Орол бўйидаги экологик шароитни соғломлаштириш борасида самарали чора-тадбирларни, умуман олганда, экологик хавфсизликни таъминлаш ва амалга оширишни талаб этади.

Бу масалада Ўзбекистондаги БМТ вакиллиги томонидан ҳам эътиборли ташаббуслар олиб борилмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 1 апрель куни Норвегия ҳукумати ва БМТнинг Кўп томонлама шериклик траст жамғармасининг Нью-Йоркдаги Офиси Орол бўйи ҳудуди учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармасига 9,5 миллион Норвегия крони (қарийб 1,1 миллион АҚШ доллари) миқдоридаги тўловни тасдиқловчи стандарт шартномани имзоладилар.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу масалаларни замон талаби асосида бажариш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 18 январдаги “2017-2021 йилларда Орол бўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, дастур доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 8,422 триллион сўм маблағ сарфланиши, дастур доирасида 67 та лойиҳа ва тадбирлар амалга оширилиши алоҳида кўрсатилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 мартдаги

**“Ҳаракатлар стратегияси”нинг айрим бандларида ҳам экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифалар белгилаб қўйилди:**

- глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ ҳўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш;
- янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш;
- одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш комплексларини қуриш ва модернизация қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий объектлар билан таъминлаш;
- атроф табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш.

қарорига кўра, “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Орол бўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳам тасдиқланди.

6. Конституциямизнинг 100-моддасида эса, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг асосий ваколатлари саналган бўлиб, ушбу вакиллик органлари фаолиятининг устувор йўналиши сифатида ўз ҳудудида “атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш” бўйича ваколатлари мустаҳкамланган. Ушбу норманинг аҳамияти ва зарурияти куйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, у атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича асосий вазифаларни белгилаб беради; иккинчидан, барча даражадаги ҳокимларга ўз ҳудуди доирасида экологик қонунчиликка риоя этилиши борасида шахсан жавобгарлик масъулиятини юклайди.

Юқоридаги ҳолатлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда Экология кодекси қабул қилиниши билан бир қатор экологик қонунлар тизимида катта ўзгаришлар бўлиши ва айрим экологик нормалар бекор бўлиши мумкин. Шундай экан, бу соҳада хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва бугунги кундаги амалиётда қўлланиш ҳолатидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳар бир инсонда “Сайёрамиз — умумий уйимиз” туйғуси ва масъулиятини ошириш лозим.

# ОДАМЛАР беҳуддага ёзмайдди:

*ЭЗГУЛИКНИНГ тоши оғир. Унинг кучи одамларнинг савобли амаллари ва жамият қонунларида кўпроқ намоён бўлади. Гап жамият ҳаётини ҳаракатга солишда муҳим аҳамият касб этган қонунчилигимиз хусусида кетар экан, унинг бир ибратли жиҳатини алоҳида тавсифлаш лозим. Бу жиҳат инсонпарварлик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган гоёлар, меъёрлар, тартиб-таомилларнинг устуворлиги билан ифодаланади.*

## Шикоятларга нима сабаб бўлмоқда?

Яқинда Урганч тумани ҳокимлиги мутасаддиларининг бир ноҳилис иши таъсирида рўй берган адолатсизлик қонун кўмагида бартараф қилинди. Ҳаммасига тумандаги Юқорибоғ қишлоғида яшовчи фуқаро Гулпошва Исаевага “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида”ги Президент Фармониға мувофиқ, унинг ўз аризасига биноан мазкур қишлоқнинг “Қипчоқ” маҳалласида қурилган биноға эғалик ҳуқуқини тасдиқлаш ҳақида 2019 йил 2 июлда қабул қилган 4431-к сонли ва мазкур ҳужжатни бекор қилиш юзасидан 2020 йил 6 апрелда чиқарган 971-к сонли қарорлари сабаб бўлди. Аслида сувни туман Ер ресурслари ва давлат кадастр идораси лойқалатди. Маҳкама масъуллари ҳокимнинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатни Г.Исаеванинг мулк сифатида эътироф қилишга қарата чиқарган дастлабки қарорини ўзгартириш ва қонун талабиға мувофиқлаштириш ташаббуси билан чиқиди. Мулк эғалигини қўлга киритиб, атиги бир неча ой тинч ва хотиржам яшаган фуқаронинг оромни бузиди. Таъкидланганидек, туман ҳокими номиға тақдимнома ёзиб, иморат экин ери ҳудудида қурилганини баҳона қилишди ва

мулк эғалигини тан олишга қаратилган аввал чиқарилган қарорға ўзгартиш киритишни сўрашди. Ҳокимиятдагилар эса “қош қўйиш ўрниға кўз чиқаришди”. Таклифни ўзға ўзанға буриб, ўзлари учун жўн, аро йўлда қолган аёл учун эса тамомила мушкул йўлни танлашди. Муқаддам чиқарилган қарорни бекор қилиб қўя қолишди. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини оз бўлса-да таниган аёл эса кўз ўнгида юз бераётган ҳақсизлик олдида сукут сақламади. Хоразм вилоят адлия бошқармасига ариза ёзиб, қонуний манфаати ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мадад сўради.

Шикоятда келтирилган ваз ва далиллар ҳамда бошқарма томонидан ўтказилган ўрганишлар асносида бир қатор ҳолатларға аниқлик киритилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли қарорига биноан тасдиқланган Низомнинг 27-бандиға кўра, кўчмас мулк ҳуқуқи қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер фонди тоифасига кирувчи ҳудудда жойлашган объектларға нисбатан татбиқ қилинмаслиги ушбу жараёнда тўла инobatта олинди. Иморат жойлашган “Қипчоқ” маҳалласи Фуқаролар йиғини раиси Г.Исаева мазкур бинони экин ери ҳудудида қуриб битказилгани ҳақида 2019 йил 23 апрелда маълумотнома бергани ҳам аниқланди. Бироқ бу ерда ер-мулкни барпо қилган фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларига тегишли ҳолатлар ҳам йўқ эмас ва айнан

шу жиҳатлар тарозининг иккинчи палласини босди.

Маълум бўлишича, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри идораси бир масалаға бири-бириға зид бўлган икки хил нуқтага назар билан ёндашган. Ҳокимнинг дастлабки қарорига “Ўздаверлоийҳа” давлат муассаси вилоят бўлими томонидан ўтказилган йўқлама асосида Г.Исаеваға тегишли ер майдони ва унда қурилган бино қишлоқ хўжалигида фойдаланилмай-диган ер фонди тоифасига кириши ҳақида хулоса берилган. Орадан бир неча ой ўтгач эса, ушбу хулосани тамомила инкор этган ҳолда мазкур иморат экин майдонлари тоифасидаги ҳудудда жойлашганлигини қайд этиб, ҳоким қарорини ўзгартириш талаб этилган. Ўз навбатида, ҳокимликдагилар ҳам қонун талабини унутишган. Г.Исаеваға берилган кўчмас мулк ҳуқуқини бекор қилиш ҳақидаги масалани ўртада зиддият пайдо бўлгани сабаб Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни 47, 48-моддалари асосида маъмурий орган мажлисида бевосита манфаатдор фуқаро иштирокида ҳамда махсус баённома юритиш йўли билан эмас, балки бу мажбурий талабдан буткул чекинган ҳолда ўзларича ҳал қилиб қўя қолишган.

Туман ҳокимлиги қонунчилик меъёрларини тан олишни истамади. Адлия бошқармасининг ушбу масала юзасидан

юборилган тақдимномасини рад қилди. Натижада, иш судға кўчди. Маъмурий суд ўзаро низоға сабаб бўлган машъум қарорнинг манфаатдор фуқароға тааллуқли қисмини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида адлия бошқармаси тарафидан ҳавола этилган аризани атрофлича муҳокама қилди. Ҳокимлик вакили эса олдиндан хабардор қилинган бўлса-да, суд мажлисида қатнашмади. Муҳокамалардан сўнг фуқаро ҳам, адлия бўғини ҳам ҳақ бўлиб чиқди. Талаб қаноатлантирилди. Маъмурий суднинг 2020 йил 9 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Урганч тумани ҳокимининг Г.Исаевани кўчмас мулк объектига бўлган эғалик ҳуқуқидан маҳрум этиш хусусида 2020 йил 6 апрелда чиқарган 971-к сонли қарорининг унга дахлдор банди ҳақиқий эмас, деб топилди. Муҳокама жараёнида ҳоким қарорининг биргина ушбу фуқароға эмас, балки манфаатдор шахс мақомидаги яна 13 нафар фуқароға доир қатор бандлари ҳам адлия органининг сўрови асосида бекор қилинди.

Вилоят Маъмурий суди томонидан ОАВ вакиллариға тақдим этилган маълумотларға қараганда, шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида мазкур суд ва унинг шаҳар ҳамда туманлардаги бўғинлари маъмурий бошқарув идоралари устидан келиб тушган жами 259 та аризани кўриб чиққан. Бу жараёнда 155 та аризада қўйилган талаблар қаноатлантирилган. Суд муҳо-

камаси якунида шаҳар ва туман ҳокимларининг жами 157 та қарори ҳақиқий эмас, деб топилган бир вазиятда унинг учдан бир қисмидан ҳам зиёдроғи, яъни 58 таси Урганч тумани ҳокимлиги ҳиссасига тўғри келмоқда.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун маъмурий органлар билан муносабатда қонун устиворлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутуди, мазкур органларнинг манфаатдор шахсларға нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятиға оид ҳолатларға нисбатан татбиқ қилинади. Бироқ бу таомиллардан четта чиқиш, қўйилган талабларға риоға этмаслик ҳолатлари анча кўп. Ушбу Қонун кучға кирганидан сўнг вилоятдаги шаҳар ва туман ҳокимларининг 150 дан зиёд қарорлари судлар томонидан бекор қилинган бу фикрни яққол далиллайди.

Қонунларни поймол этишға ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Дарҳақиқат, судларнинг инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига қаратилган қарорларни қабул қилишиға юқорида баён қилинган сингари жиддий сабаблар бор. Одамлар эса шикоятға ҳуда-беҳуда жазм этишмайди, қонунийлик четлаб ўтилган ҳаракатлар бунға сабаб бўлади.

**Абдулла СОБИРОВ,**  
“Инсон ва қонун” мухбири

“САХОВАТ бозори” масъулияти чекланган жамияти судға даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “Ш” хусусий фирмасидан кўрсатилган мажбурий хизмат учун 4.276.320 сўмни ундириб беришни сўраган.

## ХУСУСИЙ ФИРМА МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШГА МАЖБУР БЎЛДИ

Мазкур ҳолат Кармана туманлараро иқтисодий судида кўрилиб, суд мажлисида даъвогар вакили бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва бошқа мол-мулкдан ҳамда кўрсатиладиган мажбурий хизматлар қийматлари учун ундириладиган тўловларнинг минимал миқдори қонун ҳужжатларига асосан вилоят ҳокимининг қарори билан белгиланганлиги, тўлов кадастр ҳужжатларидаги эғаллаган ер майдонларидан келиб чиқиб ундирилишини, жавобгарға тегишли бино-иншоотлар кадастр ҳужжатларида белгиланган майдон бўйича ҳисобланганлигини билдириб, даъво талабини қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили у солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловни амалға ошириб

келаётганлигини, даъвогар томонидан олинаётган пул маблағларига қарши эканлигини билдириб, даъво қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Аниқланишича, деҳқон бозори манзилида жавобгарға ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномаға асосан тегишли ошхона биноси мавжуд бўлиб, ер майдони Навоий шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими томонидан рўйхатға олинган.

Президентимизнинг 2010 йил 26 апрелдаги “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг 4-бандиға кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳудудий молия ва солиқ органлари билан келишилган ҳол-

да бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати миқдорларини ҳар йили тасдиқлаш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари”нинг 46-бандиға кўра, бозор маъмурияти томонидан ундириладиган бир марталик йиғим тўлови, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар ҳақи миқдорлари ҳар йили ҳудудий молия органлари ва давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари билан келишган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

Навоий вилоят ҳокимининг 2019 йил 8 февралдаги қарори иловасига мувофиқ, бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоотлар ва инвентарларни ижараға бериш, кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловлар миқдорлари тасдиқланган. Ушбу илованинг 3.10-бандида умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар (асфальтланган ва брусчатка ётқизилган йўлақлар, тротуарлар, кириш ва чиқиш жойлари, ерости

ва ерусти канализация лотоклари, ички ва ташқи ёритиш тармоқлари ва иншоотлари, ичимлик сувининг санитар-техник бўғинлари, умумий ҳудудни қўриқлаш ва тозалаш, маиший ва мева-сабзавот маҳсулотларининг чиқиндиларини йиғиш ва олиб чиқиш, ташқи муҳандислик-коммуникация иншоотлари) учун тўлов миқдори Навоий ва Зарафшон шаҳарларида 1 кв.м. учун ойига 8.000 сўм қилиб белгиланган.

Даъвогар томонидан жавобгарға кўрсатилган мажбурий хизмат тўловлари кадастр ҳужжатларидаги эғаллаб турган ер майдонларидан ва юқоридаги ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда ҳисобланганлигини, жавобгар бозор ҳудудида жойлашиб, барча инфратузилмадан фойдаланиб келаётганлиги ва Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурий шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйилмадиган бошқа талабларға мувофиқ лозим даражада бажарилиши кераклигини инobatта олиб, даъво талаби қаноатлантирилди.

**Сабит ЖАКЕЕВ,**  
Кармана туманлараро иқтисодий суди судьяси

Наманган  
вилояти

## МАКТАБ ҲАМШИРАЛАРИ НЕГА ИШСИЗ ҚОЛДИ?



**НАМАНГАНДА** карантиндан сўнг ишсиз ва маошсиз қолган 56 нафар ҳамшира муаммоси ижобий ҳал қилинди.

Айрим ҳудудларда пандемия шароитида мактаб ҳамширалари хонадонларда дезинфекция ва потра-наж хизматларини амалга ошириш учун жалб этилган. Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида жами 56 нафар мактаб ҳамшираси ана шундай ишларга жалб этилиб, кейинчалик меҳнат таътилига чиқарилган. Оқибатда, ҳозирги кунга қадар улар бесабаб иш берувчи томонидан иш билан таъминланмай қолган.

Бундай ҳолларда Меҳнат кодексининг 159-моддасига мувофиқ, ходим сабабсиз ишсиз қолдирилган тақдирда ўртача иш ҳақи сақланиши ва тўлаб берилиши кўрсатилган.

Иш билан таъминланмаганлиги сабаб ягона даромад манбаидан ажралган ҳамширалар уч ойлик иш ҳақларини тўлаб берилишини сўраб, бир нечта идораларга мурожаат қилишган. Аммо бу ҳаракатлари натижа бермагач, Янгиқўрғон тумани адлия бўлимига ариза йўллашган.

Ҳозирда мурожаатлар кўриб чиқилиб, 56 нафар ҳамширага 3 ойлик ўртача иш ҳақи тўлаб берилиб, иш билан таъминланди.

**Жаҳонгир ЙЎЛДОШЕВ,**  
Янгиқўрғон тумани адлия бўлими бошлиғи

Хоразм  
вилояти

## ҲОКИМЛИК ОЛИБ ҚЎЙГАН ЕР ФЕРМЕРГА ҚАЙТАРИЛДИ



**ФУҚАРО С.Собированин**г “Рўздат Сафаргул” фермер хўжалигига ижарага берилган ер майдонлари туман ҳокимлиги томонидан асоссиз равишда давлат захира ер фонди ҳисобига қайтариб олинган.

Бундан норози бўлган С.Собирова Ҳазорасп тумани адлия бўлимига мурожаат қилди. Ўрганиш жараёнида туман ҳокимлиги томонидан “Рўздат Сафаргул” фермер хўжалигига қарашли 20,6 гектар ер майдонини олиб қўйишда қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Шу сабабли туман ҳокимлигига 2020 йил 20 апрелдаги “Рўздат Сафаргул” фермер хўжалигига ижарага ажратилган ер майдонини туман ҳокимлиги захира ер фонди ҳисобига қайтариш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳақида тақдимнома киритилди.

Шундан сўнг туман ҳокимлиги томонидан мазкур тақдимнома кўриб чиқилиб, юқоридаги қарор ўз кучини йўқотган, деб топилди.

Шунингдек, “Рўздат Сафаргул” фермер хўжалигига ижарага ажратилган ер майдони қайтариб берилди.

**Шоназар ЁҚУБОВ,**  
Ҳазорасп тумани адлия бўлими бошлиғи

Қашқадарё  
вилояти

## ИШДАН БЎШАТИЛГАН ЎҚИТУВЧИЛАРГА МАДАД ПУЛЛАРИ ТЎЛАНМАГАН



**ШАҲРИСАБЗ** шаҳар адлия бўлими томонидан Шаҳрисабз озиқ-овқат ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг бир гуруҳ собиқ ходимларидан келиб тушган мурожаат ўрганилди.

Мурожаатда Шаҳрисабз озиқ-овқат ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи тугатилиб, унинг негизда Шаҳрисабз туризм ва хизмат кўрсатиш коллежи ташкил этилганлиги, шунга кўра собиқ Шаҳрисабз озиқ-овқат ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг 20 нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги, бироқ коллеж маъмурияти томонидан уларга Меҳнат кодексининг 67-моддасига асосан ҳисобланган жами 25 миллион 449 минг 112 сўм моддий мадад пуллари шу кунга қадар тўланмаганлиги билдирилган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман адлия бўлими томонидан Шаҳрисабз озиқ-овқат ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига тақдимнома киритилди ва 20 нафар ходимга 25 миллион 449 минг 112 сўм моддий мадад пуллари тўланиши таъминланди.

**Ориф УМАРОВ,**  
Шаҳрисабз шаҳар адлия бўлими бошлиғи

Қорақалпоғистон  
Республикаси

## МУДИРА ЖАЗОЛАНДИМИ?

ИЖТИМОИЙ тармоқларда тарқалган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида Тўрткўл туман адлия бўлими томонидан Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмаси 2-сон кўп тармоқли поликлиникасида ўрганиш ўтказилганда, бўлим мудираси Е.Б. иш жараёнида ўзига тегишли, давлат рақами белгиси 95N944НА бўлган “Нексия-3” автомашинасини шу поликлиникада фаррош бўлиб ишловчи К.Г.га тозалатганлиги ўз тасдиғини топди.

Е.Б. ўзининг ушбу хатти-ҳаракатлари билан

Меҳнат кодексининг 177-моддаси, иккинчи қисми талабларини бузганлиги сабабли Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига асосан туман давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида жаримага тортилди.

**М.НУРАДДИНОВ,**  
Тўрткўл тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси

Жиззах  
вилояти

## Қарздорлик суд орқали ундирилди

ЖИЗЗАХ вилояти уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан ўтказилган танлов натижасига кўра, “Бўрибоев-Самандар” масъулияти чекланган жамияти ғолиб, деб топилди, жамият томонидан Мирзачўл туманида хожатхоналар қурилиши бўйича манзилли рўйхат тасдиқланган.

Шу асосида “Кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Жиззах вилояти филиали билан “Бўрибоев-Самандар” МЧЖ ўртасида 2019 йил 22 ноябрда пудрат шартномаси имзоланган.

Шартномага мувофиқ, “Бўрибоев-Самандар” МЧЖ томо-

нидан белгиланган ишлар бажарилиб, томонлар ўртасида бажарилган ишлар қиймати тўғрисида ҳисоб-фактура маълумотномалари имзоланган бўлишига қарамасдан, ўрганиш кунига қадар давлат унитар корхонаси томонидан жамиятга 239 миллион 002 минг сўм қарздорлик тўлаб берилмаган.

Ваҳоланки, шартноманинг 7.4-бандида жорий молиялаштириш ҳар ойда бажариладиган ишлар миқдоридан берилган аванс миқдорини ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий қиймати 95 фоизи миқдорида амалга оширилиши белгиланган эди.

Шунга кўра, кўп хонадонли уйларни, иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича ин-

жиниринг компанияси ДУК Жиззах вилояти филиалига “Бўрибоев-Самандар” МЧЖ учун тўлаб берилмаган қарздорликни 3 кунлик муддатда тўлаб бериш юзасидан талабнома киритилди.

Аммо киритилган талабнома ижроси таъминланмаганлиги сабабли, Мирзачўл тумани адлия бўлими томонидан “Бўрибоев-Самандар” МЧЖ манфаатида вилоят иқтисодий судига даъво аризаси киритилиб, суднинг ҳал қилув қарори билан тадбиркорга 239 миллион 2 минг 892 сўм ундириб берилди.

**Ўлмас АБДИЕВ,**  
Мирзачўл тумани адлия бўлими бошлиғи

Фарғона  
вилояти

## ЎҚИТУВЧИ ҲАҚИГА ХИЁНАТ ЁМОН

**ФАРҒОНА** вилояти адлия бошқармаси томонидан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари фаолиятида “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори талабларига риоя этилиши ҳолати ўрганилди.

Таълим муассасалари ўқитувчиларидан халқаро олимпиадалар ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 150 фоиз ҳамда асосий олимпиадалар республика босқичи ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 100 фоизлик устама ҳақлари тўланиши керак бўлса-да, амалда вилоят бўйича олимпиада ғолиби бўлган Учкўприк ва Сўх туманларидаги мактабларда ишловчи 7 нафар ўқитувчига устамалар тўланмаганлиги аниқланган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганиш якуни бўйича вилоят халқ таълими бошқармасига киритилган тақдимнома муҳокама қилинди. Унга кўра, Сўх ва Учкўприк тумани ХТБ мудирларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси, 1-қисми маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш кўзғатиш юзасидан вилоят бандлик бош бошқармасига киритилган маъмурий таклифларига асосан Сўх тумани ХТБ мудир А.Темиров ва Учкўприк тумани ХТБ мудир Д.Аюповаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробарида маъмурий жарима таъинланиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан бошқарманинг ёзма кўрсатмаси юборилди. Натижада ҳар иккала тумандаги 7 нафар ўқитувчининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Риштон ва Қўқон туманлараро судига 7 та суд буйруғи тартибидан 164 миллион 303 минг сўмни ундириш юзасидан аризалар

киритилиб, ҳозирда 5 та ариза юзасидан 121 миллион 855 минг сўмни ундириш юзасидан суд буйруқлари чиқарилди. 2 та 42 миллион 448 минг сўм устама суммаларини ундириш ҳақидаги аризалар фуқаролик судида кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, Фарғона вилояти адлия бошқармасининг Сўх ва Учкўприк тумани ХТБ мудирларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси, 1-қисми маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш кўзғатиш юзасидан вилоят бандлик бош бошқармасига киритилган маъмурий таклифларига асосан Сўх тумани ХТБ мудир А.Темиров ва Учкўприк тумани ХТБ мудир Д.Аюповаларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баробарида маъмурий жарима таъинланиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан бошқарманинг ёзма кўрсатмаси юборилди. Натижада ҳар иккала тумандаги 7 нафар ўқитувчининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

**Баҳодир ТОҲИРЖОНОВ,**  
Фарғона вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

**АВВАЛЛАРИ** пора олганлар қораланиб, жиноий жазога тортиларди. Энди пора берганлар ҳам бу жазога тенг шерик. Ҳозир эса “ўрганган одат”ни қилиб пора олиб, қингир ишимни бир пасда битириб беради-да, деб ўйлаётганларнинг ўзи ҳам тузоққа тушаяпти.

Асрор Ғаффоров ҳам ана шундай эгри йўл билан иш битирмоқчи бўлиб, катта хатога йўл қўйганини афсуски, анча кеч англади.



## Беш юз минг сўмга “сотиб олинган” жазо...

Чунки авваллари сал йўл қонунга бузилса, уни “тўғрилашга” пул муҳим роль ўйнаганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Шунинг учун ҳам ишсиз катта оила бошлиғи болаларини боқиш учун танлаган бу йўли хатолигини била, туриб, шунга мажбур бўлди, дейлик. Ва биринчи хатони тўғрилайман, деб иккинчи хатога йўл қўйди. Оқибатда унинг ўзи тузоққа тушди. Аммо шу ўринда яна бир мулоҳаза. Бугун А.Ғаффоров каби йўл ҳаракати қоидаларини бузаётган ҳайдовчилар жуда кўпчиликти ташкил этаётганлиги ва уларни тартибга солиш учун мутасадди ташкилотлар томонидан нимагадир унчалик ҳам эътибор берилмаётганлиги кишини таажжубга солади. Бу ҳақда ҳозир мулоҳаза юристмоқчи эмасмиз.

Хўш, ҳам пулдан, ҳам йўлидан айрилган Асрор Ғаффоров қандай қоидаларни бузди, деган савол туғилиши табиий.

Вақтида бирор касбнинг этагидан тутмаган А.Ғаффоровни турмуш ташвишларининг кўплиги, оила, бола-чақа боқиш қайғуси шу йўлга бошлагани аниқ. Бу билан унинг қилмишини оқламоқчи эмасмиз. У Жиноят кодексининг 211-моддаси, 1-қисми билан айбланган.

Воқеа тафсилоти эса қуйидагича. Асрор Ғаффоров лицензиясиз аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиб келган. У Навоий педагогика коллежи биноси ёнидаги автомашиналар тўхтаб туриш жойида ўзига тегишли “Ласетти” русумли автомашинаси билан йўловчиларни кутиб турган вақтида, Навоий вилояти транспорт прокуратураси, транспорт бошқармаси ва телевидение ходимлари билан ҳамкорликда фуқаролар мурожаатлари асосида Кармана туманида ноқонуний йўловчи ташиш билан шуғулланувчи шахслар бўйича ўтказилган рейд тадбирлари чоғида тузоққа тушди. Шу куни Кармана тумани

“Нурдиёр” автошоҳбекатида ўтказилган тадбир давомида фуқаро А.Ғаффоровнинг бошқарувидаги “Ласетти” русумли машинасида лицензиясиз “Навоий-Қизилтепа” йўналишида йўловчи ташиш билан шуғулланиши аниқланиб, унга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштириб, машинасини жарима майдончасига жойлаштириш учун уни Кармана тумани “Бек” жарима майдончасига олиб бораётганда, инспектордан маъмурий баённома расмийлаштирмасликни ва машинасини жарима майдончасидан чиқариб беришни сўраб, эвазига унга 500 000 сўм пул пора таклиф этмаганида бошига бу савдолар тушмасди. Инспекторнинг унга бу ҳаракати қонунга зид эканлигини тушунтиришлари ҳам қор қилмади. У барибир пора билан ишини “тўғриламоқчи” бўлиш фикридан қайтмади. Шундан сўнг инспектор ушбу ҳолатларни ўзининг телефон аппаратида ёзиб олишга мажбур бўлди. Ва бу ҳақда ДХХ Навоий вилояти бошқармасига ариза билан мурожаат этди. Шундан сўнг тезкор тадбир давомида қонунбузар қўлга олинди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан А.Ғаффоровнинг ижтимоий хавфли ҳаракатлари Жиноят кодексининг 211-моддаси, 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.

Судланувчининг айби-га иқдорлиги, қилмишидан пушаймонлиги Жиноят кодексининг 55-моддасига кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, деб ҳисобланади ва унинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларнинг йўқлиги судда баён этилади.

Асрор Ғаффоровга нисбатан жазо тайинлашда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайин-

лаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”, деб кўрсатилган кўрсатмалардан келиб чиқиб, А.Ғаффоров содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг айбига тўлиқ иқдорлиги, қилмишидан пушаймонлигини, қарамоғида уч нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топди.

Суд ҳукмида Асрор Ғаффоров Жиноят кодексининг 211-моддаси, 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли, деб топилсин ва унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин, деб зикр этилди.

Қонун-қоидаларни ҳурмат қилмасдан ўзига, бола-чақасининг ризқига жабр қилган, беш юз минг сўмга ўзига жазо “сотиб олган” замондошимиз эгри йўл ҳеч қачон тўғриликка бошламаслигини ва ҳеч кимга яхшилик ҳам олиб келмаслигини англадимикан?

Қолаверса, улуғлардан қолган бир доно гап бор: “Бошинга не бало келса, бировданмас, ўзингдан кўр!”

**Асқар СУВОНОВ,**  
Кармана туман прокурори,  
**Маруса ҲОСИЛОВА,**  
“Инсон ва қонун” муҳбири

Суд залида ҳозир бўлганларнинг айримлари панжара ортида ўтирган 40 ёшлар атрофидаги судланувчиларга ачиниш билан термулса, бошқаларнинг нигоҳида уларга нисбатан нафратни кўриш мумкин. Биринчи тарафдагилар улар шу ёшда қора курсида ўтирганига ачинса, бошқалар эса шу ёшда бир неча жиноятга қўл ургани учун уларни айблашди.

## АМАКИСИНИ ТУНАГАН ЖИЯН



Афсуски, энди вақтни ортга қайтариб бўлмайди. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида яшовчи Соҳиб Йўлдошев (исм-шарифлар ўзгартирилган) билан Матназар Ҳамраев бир коллежда ўқиган. Дарвоқе, Матназар ўғрилиқ ва бошқа жиноятларни содир этганлиги учун муқаддам бир неча марта судланган.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Соҳиб эски қадрдонига телефон қилиб иши борлигини айтади.

— Биласан, амакимнинг уйи бизники билан девор-ма-девор, — дейди Соҳиб мақсадга кўчиб. — Сейфида пуллари бор. Шунинг учун ўғирлашимиз керак. Мен олиб чиқсам сезиб қолиши мумкин. Қисқаси, гап бундай: улар эрталаб ишга кетади. Агар уй қулфланган бўлса, эшикни ичкари тарафдан мен очиб қўяман. Сейф катта эмас, ўнг томондаги уйда турибди.

Бемалол кўтариб чиқасан.

— Гап йўқ. Буёғини менга қўявер... Матназар эртаси куни автомашинасида белгиланган жойга келиб, Соҳибнинг амакисини уйдан сейфни ўғирлаб чиқади. Ўзаро келишувга биноан Матназарни йўлдан олиб Қибрай томон йўл олишади. Машинани чеккароқ жойда тўхтатиб сейфни бузишади. Унинг ичидан аёллар занжири ва зиракни олиб, Соҳиб чўнтагига солди.

— Сотгандан сўнг сенинг улушингни бераман, — дейди Соҳиб.

Матназар сейфни Чирчиқ дарёсига ташлаб юборади.

Икки кундан кейин Матназарнинг телефони жиринглайди. Қараса оғайниси экан.

— Тақинчоқлар тилла эмас экан, сота олмадим, — деди Соҳиб.

— Хоҳласанг олиб кетишинг мумкин...

Соҳибнинг амакиси уйдаги сейф йўқолганлигини билгач, ички ишлар идораларига хабар беради. Суриштирув ишлари давомида амакисини тунашга “бош-қош” бўлган Соҳиб ҳамда унинг жиноий шеригини қўлга олишди.

Суд судланувчиларга жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига амал қилди.

Бизни бир савол ўйлантиради. Амакисиникига ўғирликка тушган Соҳиб энди қандай одам бўлди? Қариндошлари ўртасида энди қандай бош кўтариб юради? Ўғри, дея уни қўл билан кўрсатишса, қай аҳволга тушади?

Соҳибнинг пулга муҳтож бўлиб, шу ишни қилдим, деган гапини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Ахир, у ҳалол меҳнат билан пул топиши мумкин эди-ку! Эгри йўлни танлагани ўзига бутун умр доғ бўлиб қолиши қандай ёмон. Унинг бу қилмиши бошқаларга ҳам сабоқ бўлса ажаб эмас...

**Отабек МУҲАММАДИЕВ,**  
жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди судьяси



# Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА-ЖОЙДА БОРМИЗ!

## Дори олишга собиқ хўжайинимдан пул сўрасам бўладими?




— **МЕН турмуш ўртоғим билан 2015 йилда қонуний ажрашганман, иккала қизимга алимент оламан. Қизим тез-тез касал бўлади, ўзим ишсизман, маҳалладан оладиган нафақа билан алимент пуллари фарзандларимни боқишга етмайпти. Қизимнинг дориларига жуда кўп пул сарфляпмиз. Турмуш ўртоғимдан унинг дорилари учун пул сўрасам бермайди, мен қандай йўл туттишим керак?**

— Оила қонунчилигига кўра, ота-она фавқуллодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт. Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош торган ота (она)дан суд уларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб, қўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин. Шу сабабли Сиз фуқаролик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб қизингизни даволаниши учун қўшимча харажатларини ундиришингиз мумкин.

## 70 фоиз жаримани ўз вақтида тўласам қолганини тўламасам бўладими?

— **МЕНГА суд томонидан жарима қилинди. Жариманинг 70 фоизини тўласам, қолган 30 фоизидан озод қилинамани?**



— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 332<sup>1</sup>-моддасида: “Ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби куйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун суд томонидан жарима солинганда;
- жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда;
- худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда”, деб кўрсатилган.

Шу моддага асосан Сизга суд томонидан жарима тайинланган бўлса, Сизга имтиёз берилмайди, шу сабабли тайинланган жаримани тўлиқ тўлашингиз лозим.

## Томорқамда экин эксам меҳнат стажи ёзиладими?

— **13 СОТИХ томорқамда йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирамиз. Меҳнат дафтарчам йўқ. Қандай қилиб иш стажи олишим мумкин?**

— Қонунчиликда деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баробари миқдорида суғурта бадали тўланган тақдирда, суғурта бадали тўланган йил меҳнат стажига киритилади, деб кўрсатилган.

Сиз ушбу масалада туман бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

## Кимларга компенсация тўланади?

— **МЕН ички ишлар идораларида ишлаб, меҳнат вазирамни бажариш жараёнида бахтсиз ҳодиса туфайли 2-гурӯх ногирони бўлиб қолганман. Ўз номимда шахсий автомобилим бор. Менга автомобиль бензини сотиб олиш учун пулли компенсацияси тўланадими?**

- Куйидагилар ойлик пул компенсация олиш ҳуқуқига эга:
  - уруш қашнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
  - уруш фахрийлари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
  - меҳнатга майиб бўлиш ва касб касаллиги туфайли I ва II гуруҳ ногиронлари.
  - I ва II гуруҳ болалиқдан ногиронлар.
- Шу қарорга асосан сизга автомобиль бензини сотиб олиш учун пулли компенсацияси тўланади.

## Иссиқхона қуриш учун субсидия бериладими?

— **КОГОН туманида 15 сотих томорқа ерим бор. Томорқа еримга иссиқхона қурмоқчиман. Бугунги кунда томорқа ер эгаларига ер участкаларидан самарали фойдаланиши учун субсидия ажратилаётган экан. Субсидия кимларга берилади ва бунинг учун қаерга мурожаат этишим керак?**

— 2020 йил 20 майдан бошлаб Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, етказиб берувчи ташкилотлар ва томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида энгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун базавий ҳисоблашнинг миқдорининг 30 бараваригача миқдорида субсидия ажратилади. Бунинг учун ҳудудий бандликка кўмаклашиш марказига ариза билан мурожаат этишингиз мумкин. Ушбу қарорга мувофиқ субсидия ишсиз фуқароларга, кам таъминланган оилаларга ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга берилади.



Саволларга “Мадад” ННТ бош мутахассиси **Аброр ЭЗОЗХОНОВ** жавоб берди.

## Мактаб директори фарзандига иш бера оладими?

— **МАКТАБ директорининг фарзанди ушбу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаши мумкинми?**

— Меҳнат қонунчилигига кўра, ўзаро яқин қариндош ёки куда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти, улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади, деб кўрсатилган, яъни ўзаро яқин қариндошлар бир давлат ташкилотда бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган лавозимларда ишлаши мумкин эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат (акционерлик) корхоналарининг Меҳнат кодексининг 79-моддасида назарда тутилган қариндош-уруғларнинг, агар уларнинг хизматлари улардан бирининг бошқасига бевосита бўйсуниб ёки назорати остида бўлиши билан боғлиқ бўлса, бирга хизмат қилишларини чеклаш қоидаларидан истисно этилиши мумкин бўлган ходимлари” рўйхати тасдиқланган, ушбу рўйхатга “барча ўқув ва тарбия муассасаларидаги педагог ходимлар, ўқитувчилар, библиографлар ва кутубхоначилар” киритилган. Ушбу қоидага кўра мактабда директор бўлиб ишловчи шахснинг фарзанди ушбу мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаши мумкин.



## масофавий билим олиш учун кўприк!

Пандемия сабабли кўплаб соҳаларда иш ва ўқишлар бир муддат тўхтатилиб, онлайн режимга ўта бошлади. Жумладан, таълим соҳасида ҳам онлайн дарслар йўлга қўйилди. Бунга бевосита кутубхоналар ҳам жалб қилиниб, ҳозирги кунда Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали иш олиб борилмоқда. Бу эса Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс маркази ходимларининг масъулиятини янада ошириди ва TSUL-Library яъни Tashkent State University of Law-Library — Тошкент давлат юридик университети-кутубхонаси телеграм канали янада фаоллашди. Пандемия даврида Ахборот-ресурс маркази университет талабалари ҳамда профессор-ўқитувчиларига масофадан туриб хизмат кўрсатиб, тугалланмай қолган ўқиш жараёнларини давом эттиришида кўмакчи бўлди.

Коронавирус пандемияси шароитида талабаларимиз ва профессор-ўқитувчиларимиз онлайн дарс ўтиши учун, битирувчиларимизнинг битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари ва докторлик диссертацияларини давом эттиришлари учун электрон дарсликлар, бир қанча вақтли матбуот нашрларининг электрон шакллари "TSUL-Library" каналимизга мунтазам жойлаштириб борилди. Ҳозирда фанларни масофавий ўзлаштиришни методик жиҳатдан янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш мақ-

садида Тошкент давлат юридик университетида Moodle масофавий таълим тизими йўлга қўйилган бўлиб, Moodle тизимидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ўқув материаллари, яъни ҳар бир кафедранинг модул кутубхонаси талабаларга масофавий таълим олишда кўмак бўлиши учун TSUL-Library телеграм каналига жойлаштириб борилди.

Moodle — веб муҳитда ўқитиш ва онлайн режимдаги дарсларни ташкил қилувчи кучли педагогик дастурий мажмуа ҳисобланади. Moodle — алоҳида индивидуал ўқув фани, ўзида билимга эгаллик қилиш ва касбий жиҳатларни қамраб олган бўлиб, таълим олувчиларнинг ўқув дастурини ўзлаштириш натижасида шакланган билим ва кўникмаларини назорат қилишнинг тегишли тури билан яқунлиниши назарда тулади.

TSUL-Library телеграм ижтимоий тармоқ канали орқали ўз билим ва кўникмаларини хорижий тажриба асосида мустақамлаш учун фойдаланувчиларимизга юриспруденциянинг устувор йўналишлари бўйича илгор хорижий давлатларнинг мавжуд илмий адабиётлари ва ўқув қўланмаларининг электрон шакллари тақдим этиб борилмоқда.

Бундан ташқари, марказ Электрон ахборот ресурслар бўлими ходимлари масофавий хизмат кўрсатиб, адабиётларга бўлган эҳтиёжни қондиришда катта ёр-

дам бермоқда. "TSUL-Library" каналда ҳар кун университетимиз ўқитувчи-профессорлари томонидан Республикаимиз ва хориж нашрларида чоп этилган мақолалар, янги адабиётлар ва бошқа маълумотлар ёритиб борилмоқда. Ҳозирда масофавий хизмат кўрсатиш учун уларни кутубхонага таянган ҳолда китобхоналаримизга хизмат кўрсатилмоқда.

Китобхоналаримизга масофадан туриб самарали хизмат кўрсатиш учун уларни кутубхонага, китоб мутолаасига қизиқишини кучайтириш лозим ва бунда интерактив хизматлардан фойдаланиш самарали натижа беради.

Президентимиз томонидан Адиблар хиёбонини адабиёт, маърифат ва маданият масканига айлантириш, ҳар бир адиб ҳайкалини муайян ОТМга бириктириб, бу ерда очик дарслар, маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича тавсиялар берилган эди. Тошкент давлат юридик университети жамоаси Ғафур Фулом ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиб, унинг ибратли умр йўли ҳақида қатор лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилди. Шу жумладан, Ахборот-ресурс марказимиз ҳам атоқли адибимиз ўзбек шеърияти ва насрининг йирик бетакрор вакили ҳозирги замон ўзбек адабиёти ҳамда маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган сўз санъаткори Ғафур Фуломнинг ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилишда фаол қатнашиб, кела-

жак авлодга қолдирган мероси ҳақида маълумотлар, ижод намуналаридан лавҳалар, шеърий тўпламларининг электрон ва аудио шакллари фойдаланувчилар эътиборига ҳавола этилди.

Давлатимиз томонидан шоир ва ёзувчиларимизга кўрсатилган юксак эҳтиром, ўзбек адабиётининг буюк дарғаларини абадий хотираси учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонига ташриф буюриб, каналимиз орқали китобхоналаримиз учун онлайн саёҳат ташкил қилинди. Адиблар хиёбони — бу муборак даргоҳга қадам кўяр эканмиз, юрагимиз алланечук ҳисларга тўлди. Давлатимиз томонидан адиблар ва шоирларга кўрсатилган юксак эҳтиромдан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс маркази томонидан 2020 йилнинг апрель-май ойлари давомида ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида "Мен тавсия қиламан!" челленжи китобхонлик чорлови танлови ўтказилди. Челленжда бир қатор китобхонлар ўзлари мутолаа қилган адабиётлари ҳақида видеолавҳалари билан иштирок этиши ҳамда уларнинг ишлари жамоатчилик томонидан баҳоланди. Хоразмлик ёшлар танловда фаоллик кўрсатиб, барча фахрли

ўринлар Хоразм вилоят юридик техникуми ўқувчиларига насиб этди. Челленж ғолиблари даража дипломлари ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этиш, зукко китобхонларни аниқлаш ва уларни муносиб рағбатлантириш, ватанпарварлик, эзгулик сингари юксак инсоний фазилатларни янада юксалтириш ва китобхонлар сафини кенгайтириш мақсадида ҳафтанинг ҳар сешанба кунда "Тафаккур" рукни остида топқир китобхоналаримиз эътиборига саволлар ҳавола этиб борилмоқда. Саволга энг биринчи бўлиб тўғри жавобни изоҳлаган иштирокчи ғолиб ҳисобланади. Ғолиблар эса, албатта, совғалар билан тақдирланадилар. Карантин вақтида ҳам ушбу фаолият тўхтаб қолмади ва "Тафаккур" рукни остида китобхоналаримиз эътиборига Тошкент давлат юридик университети ректор ва проректор, факультет деканлари томонидан мантиқий, қизиқарли саволлар бериб борилмоқда. Ғолибларга совғалар почта хизмати орқали Ўзбекистон бўйлаб етказилмоқда. Эътибордан мамнун бўлган, илҳомланган китобхоналаримизнинг эса китоб мутолаасига бўлган қизиқишлари янада ортмоқда.

**Зилола ТАЛИПОВА,**  
Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси

### Талаба талқини

## Кўнглимиз фикр гуллари билан тўлсин

Тил — миллат кўзгуси. Тафаккур қуроли. Яратган фақат инсонларгагина ёзган ва фикрлаш шарафини ато этган. Шунинг учун сўзловчи нутқидан унинг кимлиги, маънавияти-ю маданияти намоён бўлади. Тилни халқ яратади, неча асрлар давомида шакллантириб боради ва бора-бора бу тил кенг тарқалади. Ўзбек тили ҳам ўзининг бойлиги ва сержиллиги, гўзаллиги ва қудрати билан жаҳондаги бошқа тиллардан асло қолишмайди. Бунга Алишер Навоий, Бобур, Аваз Ўтар, Фитрат, Абдулла Авлоний, Чўлпон сингари машҳур сўз санъаткорлари чуқур ҳис этганлар ҳамда тилимизнинг ана шундай фазилатлари ҳақида ифтихор ила ёзганлар. Масалан, ёзувчи Ойбек ўзининг "Навоий" романида ўзбек тилини улуғлаб, асарнинг бош қаҳрамони тилидан қуйидагиларни ёзган эди: "... тилимизнинг афзаллиги биз учун ҳақиқатдир. Биз гўдаклигимизданоқ бу

ҳақиқатнинг ишқини кўнглимизга жо қилганмиз, ўлгунимизча сақлаймиз! Шаҳарларни, қишлоқларни, саҳро ва тоғларни тўлдирган эл-улусимиз, уруғ-аймоғимиз бор. Унинг ўз завқи, фаҳми-идроки бор. Биз элимизнинг завқини, табиатини назарда тутиб, унинг ўз тилида қалам сурайликки, унинг кўнгли фикр гуллари билан тўлсин. Туркона сўз билан тараннум этайликки, элнинг юраги мавжга келсин. Сўз гулшанидан ўзга эллар қаторида бизнинг элимиз ҳам баҳраманд бўлсин. ...Тилимизда нозик маъноларни, руҳимизнинг бутун жилваларини ифода этувчи сўзлар ва шакллар шундай кўп...".

Афсуски, она тилимиз неча асрлар давомида оёқ ости қилинди, топталди. Лекин 1989 йилнинг 19 октябрь куни, мустақиллигимиз эълон қилинишидан икки йил муқаддам, ўта муҳим масала Олий Кенгаш сессияси муҳокамасига қўйилди. Ва, 21 октябрь "Ўзбек

тилига Давлат тили" мақоми берилган кун сифатида тарихда қолди. Бу Ватанимиз тарихига зарҳал ёзувлар билан битиладиган буюк воқеа эди. Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби улуғ ёзувчиларнинг азалий орзулари рўёбга чиқди. Зеро, тил — миллат виждони. Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, "Боболаримизга етушгон ва яраган муқаддас тил ва адабиёт бизга ҳеч камлик қилмас".

Дунёдаги ҳар бир миллат ўз тилининг истиқболи учун доимо ғамхўрлик қилади. Жумладан, мамлакатимизда ҳам давлат тили мақомига эга бўлган тилимиз равнақи учун ҳамма — зиёлилар, айниқса, биз каби ёшлар ҳар жиҳатдан масъулдирмиз.

**Нилуфар МАРАТОВА,**  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 1-босқич талабаси

## ТЕМИРЙЎЛ ВА АВТОЙЎЛ КЕСИШМАЛАРИДАН ЭҚТИЁТ БЎЛИНГ!

Республикаимиз аҳолисига ҳамда юртимизга ташриф буюраётган меҳмонларнинг узоғини яқин қилиш, уларга темир йўл тизимида замонавий, сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида "Тошкент-Самарқанд-Қарши", "Тошкент-Самарқанд-Бухоро" темир йўл участкаларида юқори тезликдаги "Afrosiyob" электропоездлари ҳаракатланаётганлиги мамлакатимиз нуфузини халқроқ майдонда оширишга хизмат қилмоқда.

Яқинда "Ўзтемирийўл назорат" инспекцияси ҳамда "Автойўл", йўл патрул хизмати ва Тошкент минтақавий темирийўл узели ходимлари билан биргаликда темирийўл ва автойўл кесимчаларида юк ва йўловчи поездларнинг ҳаракатлаши хавфсизлигини таъминлаш бўйича комиссия ташкил этилган-

лиги бу борадаги масъулиятни яна бир қарра оширди.

Инспекциянинг Тошкент филиали ҳудудидаги кесимчаларида комиссия билан ҳамкорликда 12-19 октябрь кунлари кузги кўрик ўтказилди. Унда 71 нафардан ортиқ ходимлар иштирок этди. Кўрик давомида 109 та камчилик аниқланиб, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Бундай кўрикларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад темир йўл кесимчаларида юз бераётган автохалокатлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва йўл қодаларига риоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

**Фаррух ЗОИРОВ,**  
"Ўзтемирийўл назорат" инспекцияси Тошкент филиали бош инспектори

### ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2017 йил 28 июлда давлат рўйхатидан ўтказилган "TSOY ALEKSANDR" адвокатлик бюроси ихтиёрий тартибда тугатилмоқда. Даъво ва эътирозлари мавжуд бўлган жисмоний ва юридик шахслар Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олмачи кўчаси, 26-уй манзилига ёки Тошкент шаҳар адлия бошқармасига ўз талаблари билан мурожаат этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази жамоаси Марказнинг ишлар бошқармаси таъминот бўйича бошлиғи **Фарход МАДЖИТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**ИНСОН ҚОНУН**  
МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
www.minjust.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган  
ISSN 2010-7897

**Бош муҳаррир**  
Тошқулов Акбар Жўрабоевич

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**  
Рабиёв Шерзод Миржалилович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тахририятга келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

**Навбатчи**  
Ёрбек Искандаров

**Саҳифаловчи-дизайнер**  
Жасур Тожибоев

**Нашр индекси: 137**

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**Тиражи — 4755**  
Буюртма — V-4427

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 22:00

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

**Обуна бўлими: 277-02-57**

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5



# Умрнинг ҳар лаҳзасидан маъно излаган инсон

**УМРНИНГ ҳар бир лаҳзасидан маъно излаб яшаш Комил Синдаровнинг энг катта ҳаётий принцигига айланган ва у бундан ҳеч қачон чекинмайди. Мен бунга жуда кўп бора гувоҳ бўлганман. Ризқ-насибамиз қўшилиб, Комил ака билан бугунги кунда Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида бирга ишляпмиз. Шунинг учун у кишининг кундалик фаолияти билан яқиндан танишман.**

Ҳали Олий мактаб кафедралари мудирлари билан ўқув дастурига киритиладиган дарс машғулотларини, ўқув жараёнига жалб этиладиган ўқитувчиларни танлаш, муҳокама қилиш билан банд бўлса, ҳали юриспруденция соҳасида илм қилаётган кўплаб шогирдларининг тадқиқотларини ўқиб, уларга илмий маслаҳатларини бераётган бўлади. Бир қарасангиз, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси сифатида қайсидир маънавий-маърифий тадбирда маъруза қилаётган бўлса, қайсидир пайтда шахмат ўйинини ривожлантириш ҳақидаги китобга тақриз ёзаётган бўлади. Гап шундаки, кун давомида ҳамма ишга вақт ажратди ва уларни, албатта, амалга оширишга улгуради. Вақтнинг қадрига етиб яшаётган инсон умрни муносиб қарши олишга қодир бўлади.

Дарҳақиқат, Яратган томонидан фақат бир марта ато этиладиган умрни мазмунли ўтказиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

## Барча ҳақиқатлар китоб бағрида

Комил Синдаров Судьялар олий мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари сифатида мамлакатимиз суд тизими тарихида биринчи марта ташкил этилган ушбу Олий мактаб фаолиятини такомиллаштириш борасида жуда кўплаб амалий ишларни қилмоқда. У кишининг бевосита ташаббуси билан Судьялар олий мактабида бир қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга самарали жорий этилди. Ушбу лойиҳалар бўлажак судьяларни тайёрлаш, амалдаги судьяларнинг ҳамда суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш, уларни бугунги замон талаблари даражасида ишлашга йўналтириш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Комил ака шу соҳанинг етуқ мутахассисларидан бири сифатида судьянинг маънавияти ва маърифати ҳал қилувчи аҳамият касб этади, деб жуда кўп тақдорлайди. Ва шундан келиб чиққан ҳолда судья ва суд тизими ходимларининг маънавиятини юксалтириб боришга қаратилган лойиҳаларнинг ташаббускори ҳисобланади. Мана шундай лойиҳалардан бири, Судьялар олий мактаби тингловчилари билан халқимизнинг машҳур олимлари, шоир-ёзувчилари, йирик маданият ва санъат намояндаларининг учрашувлари доимий равишда ташкил этиб келинаётганидир. 2020 йил давомида Судьялар олий мактабида бугунги кунда марҳум тарихчи олим, етуқ

фикшунос Убайдулла Уватов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, суд ҳоқимияти тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган ҳуқуқшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Мингбоев, халқимизнинг сеvimли ёзувчиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хуршид Дўстмуҳаммадлар билан мана шундай учрашувлар ўтказилди.

Комил Синдаров муаллифлигидаги лойиҳалардан яна бири, Судьялар олий мактаби тингловчилари таҳсил давомида, албатта, битта бадиий китобни ўқиб чиқади ва шу асосда эссе ёзиб топширади. Шубҳасиз, инсоннинг маънавий камолоти китоб ўқишдан бошланади. Маърифатли бўлишнинг асосий воситаси — китобхонлик. Жуда кўплаб улугларимиз томонидан эътироф этилганидек, барча ҳақиқатлар китобда яширинган. Кўп мутолаа қилган инсон, ҳаёт ҳақиқатларини теран англайди. Энг муҳими, китобхон виждонига қулоқ солиб яшайди. Судьянинг китоб мутолаа қилиши уни ҳалолликка, покликка, адолатга ундайди. Судьянинг бирдан-бир вазифаси давлат ва жамият ҳаётида адолатни қарор топтиришдир. Демак, мана шундай лойиҳалар судья ва суд тизими ходимлари маънавиятининг юксалишида алоҳида аҳамият касб этади.

## “Оққан дарё оқаверади...”

Комил Синдаров “оққан дарё”нинг фарзандларидан бири. У кишининг бобоси ўзбек бахшичилик санъатининг йирик дарғаси, Қўрғон дostonчилик мактабининг асосчиси, бетақдор ижодкор Эргаш Жуманбулбул ўғлидир. Шеър ёзиш, бадиий асар яратиш халқ тили билан айтганда, Комил Синдаровнинг “қонида бор”. Комил ака Эргаш Жуманбулбул ўғлининг дўмбирасидан таралган унутилмас термалари оғушида вояга етган.

“Янги аср авлоди” наشريётида яқинда чоп этилган “Мен юз ёшга кирсам керак” китобида муаллиф болалик хотираларини қуйидагича эслайди: “Мен учун унутилмас хотирага айланган болалигим Оқтов ва Қоратовнинг оралиғида жойлашган, юртимизда мавжуд бешта дostonчилик мактабининг бири, бахшилар макони — Қўрғон қишлоғида ўтган.

Қўрғон дostonчилик мактаби Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ёдгор бахши, Лапас бахши, Мулла Тош, Мулла Холмурод, Султон кампир, Тилла кампир, Жўлмон бахши, Бўрон бахши, Жуманбулбул, Ёрлақаб, Жоссоқ бахши,

Қулсамад бахши, Қувондиқ бахши, Пўлкан шоир, Раҳматулла Юсуф ўғли каби бетақдор бахшичилик дарғаларини бирлаштирган. 300 йиллик тарихга эга бахшичилик мактабининг анъаналарини давом эттириш, боболарим қўлидаги дўмбирани олишни ҳавас қилдим ва ана шу эзгу мақсадни бурчим, деб ҳисобладим. Шу сабаб Аллоҳ менинг қалбимга ажиб туйғулар солиб, илҳом бераётган бўлса, ажаб эмас”.

Дарвоқе, Комил аканинг онаси (Аллоҳ раҳматиға олган бўлсин) Амирой ҳожи она ўша даврнинг маърифатли, кайвони аёлларидан бири бўлиб, қишлоқ кутубхонасида мудира бўлиб ишлаган. Шу сабабли, юридик фанлар доктори, профессор Комил Ойдиновичнинг аксарият вақти қишлоқ кутубхонасида ўтган. Ўқишни ўргангунча оналари китобларни ўқиб берган. Китобга, илмга меҳр болалигидан пайдо бўлган. Онам раҳматли “инсон тақдирини ўзгартиришга қодир энг катта куч китоб бўлади”, дея кўп айтди, деб онасини эслайди ижодкор.

Отаси — Ойдин ҳожи Синдаров (Аллоҳ раҳмат қилсин) мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Халқ оғзаки ижодини жуда чуқур билган. Зиёли инсон сифатида фарзандини фақат билим олишга, ўқишга, ижод қилишга ундаган. Қаҳрамонимиз “мен адабиёт ва санъатни, шеърят ва дostonчиликни қадрлайдиган, севадиган муҳитда вояга етганман”, дейди.

Комил Синдаров 1960 йил 27 ноябрда Самарқанд вилоятининг Қўшрабoт туманидаги “Қўрғон” қишлоғида таваллуд топган. У киши тоғлиқларга хос ориятли халқи, минг йиллар силсиласида миллий анъана сифатида сақланиб, бугун ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келаётган машҳур бахшилари билан ном чиқарган, пойдор ва пурвиқор тоғлар қуршовидаги қишлоғи ва у қишлоқнинг содда, бироқ мард одамлари билан ҳамisha фахрланади. Комил ака, аслида менинг қўлимга қишлоғимнинг гўзал табияти, бошқа ҳеч бир қишлоқ одамларига ўхшамайдиган дарёдил қишлоқдошларим қалам тутқазган, дейишдан чарчамайди. У ўзи туғилиб ўсган қишлоғини жуда севади, ҳамisha соғиниб яшайди. Шеърларидан бирида қишлоғи ҳақидаги соғинчини шундай таърифлайди:

**Ширмой қулча пишган ўчоқ,  
Ёшлик гашти, болалик чоғ,  
Очармикан менга кучоқ,  
Қишлоғимга қайтсам агар.**

**Осмонида юлдузи кўп,  
Барчойи, қундузи кўп,  
Дўстлар хайрон, синдиран кўп,  
Қишлоғимга қайтсам агар.**

Халқимиз “оққан дарё оқаверади”, деб бежиз айтмайди. Эргаш Жуманбулбул бошлаб берган сулоланинг эзгу ишларини Комил Синдаров муносиб давом эттирган бўлса, бугун ушбу забардаст сулоланинг давомчилари яна бир янги авлод бўлиб етишиб чиқмоқда.

Комил Синдаровнинг неваралари Жавоҳир, Ислонбек, Хумоюн каби ёш шахмат юлдузлари дунёни лол қолдириб, Жаҳон ва Осие чемпионлари бўлиб етишди. Бундан бир неча йил олдин, ҳали 5 ёшлик гўдак пайтида Комил аканинг набираси тафаккур ўйини бўлган шахмат бўйича юксак мавқега эришган эди.

## Бошдан кечган воқеалар тафсилоти

Комил Синдаровнинг мутахассислиги ҳуқуқшунос. Суд ва прокуратура тизимида узоқ йиллардан бери фаолият юритиб келмоқда. У кишининг детектив асарлари ва ундаги қаҳрамонлар ҳам ёзувчи ҳам ҳуқуқшунос қарашларидан келиб чиққан ҳолда яратилган. Муаллифнинг кўпроқ реал воқеликка асосланган асарлари аҳолининг, айниқса, ёшларнинг китобга бўлган қизиқишини орттириш баробарида суд-ҳуқуқ идоралари ходимларининг ҳам касбий маҳорати ва кўникмаларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ижодкорнинг “Қимматга тушган хато”, “Темурийлар кутубхонасининг сири”, “Кечиккан қасос”, “Амирликнинг олтин тахти изидан”, “Тунги қотиллик”, “Дорихонадаги қотиллик” ва бошқа ўнлаб детектив асарлари китоб ҳолида ўқувчилар қўлига етиб борган.

Ушбу асарларда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ниҳоятда машаққатли ва масъулиятли меҳнати, ушбу соҳадаги баъзи бир ҳаётий муаммолар ҳам ўз аксини топган. Детектив ёзувчининг мана шундай китоблари халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, улар суд-ҳуқуқ соҳасининг ривожланишига ижобий таъсирини ҳам кўрсатади. Жумладан, 2013 йилда нашр этилган “Қимматга тушган хато” асари муаллифнинг прокуратура идораларида ишлаган даврида кўрган-кечирганлари асосида, реал воқеликка асосланган ҳолда ёзилган. Шунинг учун,

воқеалар ривожини жуда ҳаётий ва ишонarli баён этилган. Унда асар бош қаҳрамонлари прокуратура терговчилари Фахриддин ва Санжарбеклардир. Ҳар гал уларга мураккаб тоифадаги жиноят ишларини тергов қилиш топширилади. Бу гал уларга Республика прокуратураси тергов бўлими бошлиғи ўринбосари Баҳром Сафаровнинг тўсатдан йўқолиб қолиши билан боғлиқ жиноят иши топширилади. Прокуратура тизимида узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилган ходимнинг кўппа-кундуз куни йўқолиб қолиши унинг ҳамкасблари, оиласини саросимага солиб қўяди. Терговчилар томонидан бир қанча тахминлар илгари сурилади. Баҳромнинг муқаддам тергов қилган барча ишлари бўйича судланганлар, жазони ўтаб чиққан шахслар “чиғириқ”дан ўтказилади...

Хуллас, муаллиф бу асари орқали терговчиларнинг ўта мураккаб иш жараёнининг ўзига хос жиҳатларини моҳирона очиб беради. Ва шу соҳадаги жиддий муаммоларни ҳам қаламга олади. Бу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, асар муваффақиятли чиқишининг асосий сабабларидан бири, Комил Синдаров шу соҳанинг тажрибали мутахассиси сифатида бу касбнинг барча сир-асрорларини жуда яхши билганлигидир...

Ушбу мақоламиз орқали Комил Ойдинович Синдаров ҳаёти, фаолияти ва ижодининг айрим жиҳатлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик, холос. У кишининг ҳуқуқшунос олим сифатида ҳуқуқшунослик соҳасининг ривожига қўшган ҳиссаси ёки журналистик фаолияти алоҳида-алоҳида мақолаларга мавзу бўлиши мумкин.

Кўп йиллардан буён Ватанимиз тараққиётига, халқимиз маънавиятининг юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган катта интеллектуал салоҳиятга эга зиёлиларимиздан бири, юридик фанлар доктори, профессор, таниқли детектив ёзувчи, истеъдодли шоир Комил Синдаровнинг ҳаёти кўпчилик ёшларимизга ибрат мактаби бўлади.

Дарвоқе, Комил Синдаров бу йил 60 ёшга тўлди. У кишини муборак ёши билан чин дилдан қутлаб, узоқ умр, мустақам соғлиқ тилаймиз. Янги Ўзбекистон, янги жамият тараққиёти йўлидаги фаолиятига улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!

**Арслон ЭШМУРОДОВ,  
журналист**